

Н.Т. Каттаев,  
катта илмий ходим-изланувчи,  
ТДИУ

## ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ХИТОЙНИНГ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ СИЁСАТИ

Сўнгги йилларда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобал инвестициялар борасидаги рақобатнинг янада кучайишига олиб келди. Шу сабабли тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ)ни жалб этиш мақсадида мамлакатларнинг жозибадорлигини ошириш ва уларнинг географик жойлашувига боғлиқ рақобатли афзаллигидан самарали фойдаланиш вазифаси долзарб ҳисобланиб, у ҳукуматлар томонидан мураккаб ва комплекс иқтисодий чораларни кўришни талаб этади.

Жаҳон иқтисодиётидаги сўнгги тенденцияларга таянадиган бўлсак, ТХИни жалб этиш иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш шунингдек, унинг халқаро ишлаб чиқариш жараёнларига интеграциялашувини таъминлайдиган муҳим омиллардан саналади. ТХИ оқими қабул қилаётган мамлакатда корхоналар ривожини жадаллаштириш, инсон капитали сифатини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, илғор технологияларни жалб этиш ва чегарадош тармоқларнинг кенгайишини рағбатлантириш хусусиятига эга.

Таъкидлаш ўринлики, тўғридан-тўғри инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришнинг бошқа шакллариغا нисбатан афзалликларга эга: биринчидан, улар товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун капитал маблағларининг кўшимча манбаси бўлиб, кўпгина ҳолларда, илғор технологиялар, ноу-хау ва янги бошқарув усуллари кўринишида амалга оширилади; иккинчидан, давлат бюджети, унинг ташқи қарзлари учун юк бўлмайди.

ТХИни жалб этиш учун мамлакатнинг жозибадорлиги катор омилларга боғлиқ (1-жадвал). Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ТХИнинг ҳар бир типи ушбу омиллар бўйича ўз устуворлик шкаласига эга ва у инвестицияларни жалб қилишнинг турли стратегияларини талаб этади, шу билан биргаликда, тадқиқотларнинг кўрсатишича, макроиқтисодий барқарорлик, ерга эгалик, хусусийлаштириш тартиботининг равшанлиги, қонунлар, низомлар, меъёрларнинг транспарентлиги, аниқлиги, узвийлиги ва либераллиги, малакали ишчи кучи, яхши ривожланган инфратузилма ТХИ борасида қарорларга энг кўп таъсир этадиган омиллар сирасига киради. Таъкидлаш жоизки, сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича, малакали ишчи кучи муҳим омиллигига қарамадан, юқори иш ҳақи ТХИ оқимига салбий таъсир кўрсатади<sup>1</sup>.

ТХИ оқимига солиқ рағбатларининг таъсири борасида алоҳида тўхталиш жоиз. Инвесторларнинг турли мамлакатлардаги солиқ юкламаларини солиштиришини ҳисобга олиб, бундай кўринишдаги рағбатлар уларнинг

<sup>1</sup> Ирина Точицкая. Политика привлечения прямых иностранных инвестиций: обзор международного опыта и рекомендации для Беларуси. Минск, октябрь 2009 г. – С.5

этиборини жалб этади, деб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан кўпгина мамлакатлар солиқларни одатда, даромад солиғини камайтириш орқали ўзаро мусобақалашади.

### 1-жадвал

#### Мамлакатга тўғридан тўғри хорижий инвестициялар оқимини белгиловчи омиллар

<b>Иқтисодий шароитлар</b>	Бозорлар	Ўлчам; даромадлар даражаси; урбанизация; ўсиш барқарорлиги ва истиқболи; минтақавий бозорлар; дистрибьюторлик моделлари; техник мадад.
	Ресурслар	Табиий ресурслар; жойлашув.
	Рақобатбардошлик	Иши кучидан фойдалана олиш имконияти, унинг харажатлари, тажриба/малакаси, ўрганиш қобилияти; бошқарув маҳорати; ишлаб чиқариш омилларига фойдаланиш имконияти; физик инфратузилма; таъминотчилар тармоғи; техник мадад.
<b>Қабул қилувчи давлат сиёсати</b>	Макроиқтисодий сиёсат	Мамлакат ҳукумати томонидан асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлигини таъминлаш қобилияти; даромадни репатриация қилиш имконияти; хорижий валютага рухсат.
	Хусусий сектор	Хусусий мулкчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш; юритилаётган сиёсатнинг аниқлиги ва барқарорлиги, самарали молиявий бозорлар, бизнесни очиш/ёпишнинг осонлиги; бошқа кўмаклар.
	Савдо ва саноат	Ташқи савдо сиёсати; минтақавий интеграция, маълум бозорларга чиқиш имконияти; мулкчилик устидан назорат; рақобатли сиёсат; кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш.
	ТХИ сиёсати	Бизнесни очишнинг осонлиги; мулкчилик ҳуқуқи, рағбатлантириш; ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш имконияти; транспарент ва барқарор сиёсат.
<b>Хорижий инвесторлар стратегиялари</b>	Рискни идрок этиш	Сиёсий омиллар, макроиқтисодий тартибга солиш, меҳнат бозори ҳолати ва юритилаётган сиёсатнинг барқарорлигига асосланган мамлакат рискини идрок этиш.
	Жойлашув, таъминот, интеграциялашув	Компанияларнинг жойлашувга оид стратегиялари, хомашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар таъминоти, ўқитиш, технологиялар.

Манба: UNESCAP (2003) Investment Promotion and Enterprise Development. Bulletin for Asia and Pacific, №1.-p.100.

ТХИнинг солиқ юкласига сезгирлиги бўйича кўпгина тадқиқотлар мавжуд. Уларнинг кўрсатишича, солиқларнинг 1 %га оширилиши ТХИнинг 3,7 %га қисқаришига олиб келади. Аммо мамлакат ва тармоқ хусусиятларига қараб бу кўрсаткич 0%дан 5%гача бўлиши ҳам мумкин. Сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича, капиталнинг ҳаракатчанлиги ва оқимига солиқдан ташқари тўсиқларни бартараф этишнинг ўсиши натижасида ТХИнинг солиққа нисбатан

сезгирлиги ортиб бормоқда. Кўпгина мамлакатлар солиқларни ёппасига камайтириш ўрнига қатор секторлар ва айрим фаолият турларини вақтинчалик солиқдан озод этиш амалиётини қўллайди<sup>2</sup>.

Аммо шуни унутмаслик керакки, хорижда инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қилишда даромадни солиққа тортишни ҳисобга олиш муҳим, аммо бу омил асосий ҳал қилувчи эмас. Бунда лойиҳанинг узоқ муддатли истиқболи асосий роль ўйнайди. Шу билан биргаликда, инвесторлар учун иш ҳақи солиғи, даромадга боғлиқ бўлмаган бошқа солиқлар, шунингдек, дўстона солиқ маъмурчилиги, солиқ қоидаларининг аниқлиги, муайянлиги ва узвийлиги каби омилларнинг аҳамиятини ҳам тўғри баҳолаш керак – улар ҳам даромад солиғидек сезиларли бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ТХИни жалб этиш учун ножозибадор муҳитни солиқ юкмасининг камлиги билан мувозанатга солиб бўлмайди.

Даромад солиғининг юқориликка қарамасдан, яхши ривожланган инфратузилмага эга ва юқори хизмат кўрсатиладиган, шунингдек, бизнес учун жозибадор тадбиркорлик муҳити мавжуд бўлган мамлакатларда анча паст солиқлар ўрнатилган, аммо юқорида келтирилган устунликларга эга бўлмаган мамлакатларни инвестициялар учун рақобатли курашда бошқалар енгади.

ТХИ учун жозибадорлик нуқтаи назаридан яна бир муҳим масала – бу алмашинув курси сиёсатидир. Қатор иқтисодчиларнинг фикрига кўра, асосий инвестор мамлакатларга нисбатан валютани девальвациялаш ишлаб чиқаришнинг солиштирма харажатларини камайтиради ва ТХИ оқимини рағбатлантиради. Шу билан биргаликда, валютани мустаҳкамлаш хорижий валютада кўпроқ даромадни репатриациялашга имкон бериши нуқтаи назаридан ТХИни рағбатлантириши мумкин. Аммо макроиқтисодий даражадаги энг самарали сиёсат – бу алмашинув курси барқарорлигини сақлаб туришдир. Аммо бу омил, баъзи сезиларли тебранишларни ҳисобга олмаганда, инвестициялаш бўйича қарор қабул қилишда муҳим роль ўйнамайди.

ТХИ Осиё мамлакатларининг байналминаллашган секторининг юзага келиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнади. Ушбу мамлакатлар ичида Хитой ТХИни жалб қилиш бўйича улкан муваффақиятларга эришгани билан алоҳида ажралиб туради. Ҳақиқатан ҳам эътироф этиш керакки, бугунги куннинг энг муҳим воқелиги – бу Хитойнинг жаҳон сахнасида қудратли давлат сифатида намоён бўлганидир. 1979 йилда бошланган хорижий савдо ва инвестициялар учун очик эшиклар сиёсати Хитойни дунёнинг энг тез ривожланаётган мамлакатига ва йирик савдо-иқтисодий кучига айлантирди. Шиддатли тезкор иқтисодий ўсиш Хитойда турмуш даражасининг кескин ортишига ва миллионлаб кишиларнинг қашшоқлик гирдобидан чиқишига сабаб бўлди. 2010 йилга келиб Хитой катталиги бўйича дунёнинг иккинчи иқтисодий майдонига, товарларнинг йирик экспортчисига, товарларнинг иккинчи импортчисига, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ)нинг иккинчи истеъмолчисига ҳамда йирик валюта захиралари эгасига айланди<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> OECD (2008) Tax Effects on Foreign Direct Investment. Policy Brief. February.

<sup>3</sup> Wayne M. Morrison. China's Economic Conditions. June 24, 2011. – p.2.

2008 йилда бошланган глобал иқтисодий инқироз Хитой иқтисодиётига, айниқса, унинг ташқи секторига жиддий таъсир этди. Мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси ва ТХИ оқими кескин равишда қисқарди, пировардида миллионлаб ишчилар ўз иш ўринларидан ажралдилар. Хитой ҳукумати 586 миллиард долларлик иқтисодий рағбатлар пакети (асосан инфратузилмавий лойиҳаларга йўналтирилган), банк кредитларининг ўсиши учун монетар сиёсатни сусайтириш шунингдек, ички истеъмолни ошириш учун турли рағбатларни тақдим этиш орқали инқирозга жавоб қайтарди. Бундай сиёсат Хитой маҳсулотига талабнинг кескин тушиши шароитида ижобий таъсир кўрсатди. Баъзи етакчи мамлакатлар, жумладан АҚШ ҳам, чуқур рецессия ҳолатини бошидан кечираётган бир пайтда Хитой ЯИМнинг 2008 ва 2009 йилларда мос равишда 9,6 ва 9,2 фоизга ўсишига эришди. 2010 йилда Хитой экспорти инқирозгача давр ҳолатига етди, ЯИМ эса 10,3 фоизга ошди. Халқаро валюта фонди (ХВФ) ҳисобларига кўра 2011 йилда Хитой ЯИМ 9,6 фоизга ва кейинги 5 йил давомида ўртача 9,5 фоизга ўсади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### 1960-2010 йилларда Хитой ЯИМнинг йиллик ўсиши

Йиллар	Ўртача йиллик ўсиш суръати (фоизда)	Йиллар	Ўртача йиллик ўсиш суръати (фоизда)
1980 й.	7,9	2000 й.	8,4
1985 й.	12,8	2001 й.	8,3
1990 й.	3,8	2002 й.	9,1
1991 й.	9,3	2003 й.	10,0
1992 й.	14,2	2004 й.	10,1
1993 й.	14,0	2005 й.	9,9
1994 й.	13,1	2006 й.	11,1
1995 й.	10,9	2007 й.	14,2
1996 й.	10,0	2008 й.	9,6
1997 й.	9,3	2009 й.	9,2
1998 й.	7,8	2010 й.	10,3
1999 й.	7,6	2011 й.	9,6*
<b>1960-1978 (ислоҳотгача давр)</b>		<b>5,3</b>	
<b>1979-2010 (ислоҳотдан кейинги давр)</b>		<b>9,8</b>	

\*Прогноз кўрсаткич


Манба: Wayne M. Morrison. China's Economic Conditions. June 24, 2011. – p.4.

Баъзи иқтисодчи олимларнинг тахминларига кўра, яқин йиллар ичида Хитой дунёнинг энг йирик иқтисодиёти сифатида АҚШни қувиб ўтади. Шунга қарамадан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад бўйича АҚШ узок йиллар давомида етакчиликни сақлаб қолади. Мутахассисларнинг фикрича, Хитойнинг узок муддатли истикболи кўпроқ мамлакатнинг бозор иқтисодиётига жадал ўтиши ва иқтисодиётни барқарорлаштириш борасида кенг

кўламли ислохотларни оқилона олиб боришига, энг муҳими, иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчиси сифатида экспортни ривожлантиришга эмас, балки истеъмол талабини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

Хитойнинг савдо ва инвестициялар бўйича ислохотлари 1990 йиллардан бошлаб ТХИнинг ўсишига олиб келди. Бу инвестиция оқимлари Хитойда меҳнат унумдорлигини ошириш баробарида жадал иқтисодий ўсишни рағбатлантирди. Хитой ҳукумати ҳисоб-китобларига кўра, 2007 йилда мамлакатда хорижий инвестициялар жалб этилган 286200 та компания фаолият юритган. Ушбу компаниялар 42 миллион ишчи кучини банд қилгани ҳолда ялпи саноат маҳсулотларининг 31,5 фоизини ишлаб чиқарган.

Хитой ҳукуматининг маълум қилишича, ТХИ ҳажми 1985 йилдаги 2 миллиард доллардан 2008 йилга келиб 92 миллиардга ўсган бўлса, 2009 йилда пасайиш кузатилиб, 90 миллиард долларни ташкил этган. 2010 йилда бу кўрсаткич 106 миллиард долларгача ўсган. 2010 йил охирига келиб Хитой иқтисодиётига жалб этилган жами ТХИ миқдори 1,08 триллион долларга етди ва Хитой ТХИ йўналтириладиган дунёдаги энг йирик майдонларнинг бирига айланди (1-расм).



**1-расм. 1985-2010 йилларда Хитойга йўналтирилган ТХИ йиллик кўрсаткичлари (миллиард доллар).**

Манба: АҚШ Савдо ва инвестициялар бўйича конференцияси ва Хитой Тижорат вазирлиги маълумотлари.

Савдо ва ривожлантириш БМТ Конференцияси маълумотларига қараганда, 2009 йилда Хитой ТХИ ҳажмига кўра АҚШдан кейинги иккинчи ўринни банд этган. 1979-2010 йиллар давомида Хитойга йўналтирилган кумулятив ТХИ улуши бўйича 42,9 фоиз Гонконг, 9,4 фоиз Британиянинг Виржиния ороллари, 6,8 фоиз Япония ва 6,2 фоиз АҚШ ҳиссасига тўғри келади (3-жадвал).

2010 йил натижаларига кўра, Хитойга ТХИ киритиш бўйича Гонконг 63,9 фоизли кўрсаткич билан етакчилик қилган бўлса, АҚШ 5-ўринни банд этган.

АҚШнинг Хитойга йўналтираётган йиллик ТХИ 2002 йилда 5,4 миллиард долларлик максимумига (умумий қийматига нисбатан 10,2 фоиз) эришди. 2010 йилда бу кўрсаткич 4,1 миллиард доллар (умумий қийматига нисбатан 3,9 фоиз)ни ташкил этди (2-расм).


3-жадвал

**1979-2010 йилларда Хитой реал секторига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори (миллиард доллар ва жамига нисбатан фоизда).**

Давлат	1979-2010 йй. (кумулятив)		2010 й.	
	Миқдори	Жамига нисбатан %да	Миқдори	Жамига нисбатан %да
Жами	1 078,8	100,0	105,7	100,0
Гонконг	463,2	42,9	67,5	63,9
Виржиния ороллари	101,4*	9,4*	номаълум	номаълум
Япония	73,7	6,8	4,2	4,0
АҚШ	66,4	6,2	4,1	3,9
Тайван	56,3	5,2	6,7	6,3
Жанубий Корея	47,3	4,4	2,7	2,6
Сингапур	47,1	4,4	5,7	5,4

\*1979-2009 йй.

Манба: Хитой Тижорат вазирлиги маълумотлари



**2-расм. 1985-2010 йилларда АҚШнинг Хитойга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йиллик оқими (миллиард доллар).**

Манба: Хитой Тижорат вазирлиги йилномаси (турли йиллар).

Хитой иқтисодиётига инвестициялашнинг ҳаракатлантирувчи мотиви – ишлаб чиқариш омиллари нархининг пастлиги, айниқса, ресурсталаб инвестициялар учун арзон ишчи кучининг мавжудлиги, шунингдек Хитой бозоридаги талабнинг ўсишидир. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларнинг иштироқи ҳам муҳим омил ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ТХИ оқимининг катталиги нафақат корхоналарни танлашдаги муваффақият билан, балки банк тизимидаги айрим номукамаллик ҳолатлари билан ҳам изоҳланади.

Иқтисодий ислоҳотлар бошланган бери (1979 й.) ТХИ бўйича Хитой сиёсати қатор муҳим ўзгаришларга учради. У дастлабки чекловлар босқичидан бошланиб, ТХИни ҳар томонлама рағбатлантириш босқичига ўтди. Сўнгги пайтда мамлакат саноатини ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ТХИни юқори технологияли ва капитал сиғими юқори бўлган лойиҳаларга йўналтиришга эътибор қаратилмоқда.

Биринчи даврда мамлакатнинг шарқий минтақаларида тўртта махсус иқтисодий зоналар ташкил этилиб, хорижий инвесторлар учун маълум преференциялар тақдим этилди. Бу ҳолат ТХИ оқимини кучайтирди, аммо шу билан биргаликда, иқтисодий ривожланиш бўйича соҳилбўйи ва марказий провинциялар ўртасида кучли тафовутга олиб келди, шунингдек ТХИнинг “раундтриппинг” эффеқтини келтириб чиқарди<sup>4</sup>.

Шу боис 1992 йилда ТХИга нисбатан янги сиёсат қабул қилиндики, у урғуни хорижий инвесторлар учун махсус режимдан хорижий компаниялар учун мамлакатни жозибадор жойга айлантириш томонга қаратди. Мазкур стратегия доирасида Хитой инвесторлар учун қатор преференциялар тақдиф этди. Масалан, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Инвестицияларни рағбатлантириш бўйича низомининг 22-моддаси қўшма корхоналар учун солиқ имтиёзларини кўзда тутди. Мисол учун, хорижий корхоналар фаолиятининг биринчи ва иккинчи йилида даромад солиғидан тўла озод қилинади, учинчи йилдан бешинчи йилгача эса унинг 50 %и тўланади. Махсус иқтисодий зоналар ва соҳилбўйи минтақаларида жойлашган корхоналар одатдаги 30 % ўрнига мос равишда 15 ва 24 % даромад солиғи тўлайди<sup>5</sup>. Шунингдек, 22-модда ишлаб чиқариш учун зарурий хомашё, материал ва ускуналарни эркин импорт қилиш ҳуқуқини беради ва лицензиялаш тартиботини соддалаштиради. Кўшимча солиқ имтиёзлари янги технологиялардан фойдаланувчи экспортга йўналтирилган қўшма корхоналар ва фирмаларга берилди. Ҳукумат ўз навбатида уларнинг фаолиятига бюрократик аралашувлар бўлмаслигини кафолатлади ҳамда оғирлаштирадиган баъзи маҳаллий йиғимларни бекор қилди<sup>6</sup>.

Хитойдаги барча ТХИ лойиҳалари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ лойиҳалар бўйича йўриқномага асосан баҳоланади ва қуйидаги

<sup>4</sup> «Раундтриппинг» Хитойнинг ички инвесторлари ўз молиявий маблағларини Гонконгга ўтказиб, сўнг уни, хорижий инвесторларга учун берилган имтиёзлардан фойдаланиш мақсадида, хорижий инвестициялар шаклида мамлакатга қайтариши натижасида юзага келган.

<sup>5</sup> Brooks Douglas H., Sumulong Lea R. (2003). Foreign Direct Investment: the Role of Policy. ERD Policy Brief, No 23. –р.3.

<sup>6</sup> Keenan Thomas (2009) An Overview of Foreign Direct Investment Law and Process in China. MinterEllison.

тўртта категорияга бўлинади: Рағбатлантирилладиган, чекланадиган, таъқиқланадиган, рухсат этиладиган.

Устуворлик экспортга йўналтирилган лойиҳаларга, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда ускуна ва материалларни ишлаб чиқаришга, шунингдек, Хитойнинг табиий ресурслари конларини қайта ишлашга ёки арзон ишчи кучидан фойдаланишга йўналтирилган лойиҳаларга қаратилди. Олдингидек инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва хомашё ишлаб чиқарилишига ТХИни йўналтиришни рағбатлантириш сақлаб қолинди.

2006 йил охирида Хитойда режалаштиришни амалга оширадиган агентлик – Ривожланиш ва ислохотлар бўйича миллий ҳайъат кейинги беш муддатга мўлжалланган ТХИ бўйича янги давлат сиёсатини эълон қилди. У тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда миқдорий ёндошувдан сифат ёндошувига ўтишни кўзда тутди. Арзон экспорт ва йиғув товарлари ишлаб чиқаришига йўналтирилган ТХИдан юқори қўшимча қиймат қўшилган секторларга жалб қилишга, шунингдек, маҳаллий органлар томонидан тартибсиз равишда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг олдини олиш ва хорижий фирмаларга нисбатан экологик талабларни кучайтиришга кучли эътибор қаратилди.

2007 йилда корхоналарнинг даромадлари тўғрисидаги янги қонун ТХИ бўйича барча имтиёзларни бекор қилди ва даромадга нисбатан солиқни 25 % даражасида унификация қилди. Шу йилнинг ўзида ТХИ ҳажмини қайта кўриб чиқиш бўйича 28 бетдан иборат янги йўриқнома қабул қилинди. Унга биноан инвесторларга саъй-ҳаракатларини рециклинг, соф ишлаб чиқариш, тикланадиган энергия, атроф-муҳит муҳофазасига қаратиш тавсия этилди. Саноатда биринчи навбатда юқори технологияларга ТХИ рағбатлантирилиб, анъанавий тармоқларга инвестиция киритиш таъқиқланди. Буларнинг барчаси тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар воситасида инновацияларни рағбатлантириш, саноатни реструктуризациялаш ва минтақалар орасидаги тафовутларни бартараф этиш мақсадида қилинади<sup>7</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, Хитойда инвестицияларни жалб этишнинг биринчи босқичи 80-йилларга, иккинчи босқичи эса 90-йилларга тўғри келади. Агарда биринчи босқичда кўпроқ процедурали ёндашув (хужжатлар тайёрлашнинг осонлаштирилган тартиби, мукофотлаш, “битта эшик” сиёсати) қўлланган бўлса, иккинчи босқичда эса маркетинг воситаларидан фойдаланилди.

Сўнгги йилларда Хитойда инвестицияларни жалб этишда қўлланилаётган маркетинг воситалари замирида замонавий коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда:

1. Интернет орқали силжитиш.
2. Инвесторларни кўрғазмали жалб этиш.
3. Маълум бир ер участкалари учун мулкчилик ҳуқуқлари савдоси (узок муддатли ижара)ни ривожлантириш.

<sup>7</sup> K. Subramanian. China's FDI policy — Changing gears for national interests. <http://www.thehindubusinessline.com/2007/11/24/stories/2007112450050800.htm>



4. Телевидение каналларида минтақалар ва шаҳарларни силжитиш.
  5. Алоҳида ҳудудлар рекламаси.
  6. Дўстона учрашувлар (ҳамюртлар, меҳмонлар ва бошқа шахсларнинг учрашувлари) воситасида инвестицияларни жалб этиш.
  7. Фоизлар тўлаш ҳисобига тижорат тузилмалари орқали инвестицияларни жалб этиш.
  8. Мамлакат ҳудудидан ташқарида тадбирлар ўтказиш.
  9. Инвестициялаш учун истиқболли ҳудудларнинг карталарини тузиш.
- Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Хитойнинг ТХИни жалб этиш сиёсати, мамлакатнинг иқтисодий стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, юзага келадиган вазиятларга мос равишда такомиллашиб бормоқда.